




TV ДАСТУРИ



СКАНВОРД



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ



Олий БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқи бошлаган

2006 йил 5 август,
шанба № 128-129 (2178)

ISHONCH



*Хайрли бошланги йўлим, бу яхши,
Олмага етмоқда кўлим, бу яхши.
Дунё неъматлари жуда кўп дерлар,
Бунга ўзим гувоҳ бўладим, бу яхши.*

Икромжон ХАСАНОВ олган сурат

Саҳифаларда:

Текис йўлда куйланган қўшиқ

2

3 «Туш таъбири»... ўнгидан келди

4 Маҳалла оқсоқоллари нимадан ташвишда?

«Театрни соғиниб яшайман...»

10

Хушхабар

**ЁШЛАРИМИЗ – ОСИЁ
ЧЕМПИОНИ**

Жанубий Корейдан хушхабар келди. Ушбу мамлакатнинг Гумсанг шаҳрида оғир атлетика бўйича йигирма ёшгача бўлган спортчилар ўртасида Осийё чемпионати баҳслари ниҳоясига етди. Унда ватанимиз шарафини ҳимоя қилган етти нафар спортчи медаллар шодаси билан юртимизга қайтиб келди.

Бухоролик Фурқат Саидов ҳамда самарқандлик Ақобир Усмоновлар силтаб ва даст кўтаришда энг юқори натижа кўрсатиб, Осийё чемпиони унвонини қўлга киритди. Шунингдек, Бобурбек Ражабов ҳамда Муҳаммад Бегалиевлар кумуш медал соҳиби бўлди. Яна икки нафар спортчиларимиз — Азамат Маматқулов ва Жаҳонгир Зиннатовлар совриндорлар сафидан жой олди.

Вакилларимиз умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Бу ваффақият оғир атлетикачиларимизнинг мустақиллик байрамига ўзига хос тухфасидир.

Айтмиш, дўстим, нима қилдинг, Ватан учун?

Рассом қалб тубида яширинган туйғуларини бадий тасвирда ифода этади. Ўзбекистон ижодкорлари уюшмаси аъзоси Абдуманноп Юнусов ҳам рангтасвир ва қаламчизгининг ўзига хос хусусиятларини ижодида ёрқин акс эттирган мўйқалам сохибидир.

Рангин дунё жилвалари

Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида мусаввирнинг 60 йиллигига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда рассом ижодидан ҳикоя қилувчи қаламчизгилар намойиш этилди. Абдуманноп Юнусов бадий ижодида кўпроқ шаҳар ҳаёти, оддий одамлар турмуши ифода этилади. У Беньков номидаги билим юртида таҳсил олаётган кезларидаёқ ижод дунёсига кириб борган эди. Маҳалладошларнинг турмуш тарзи, ҳовлижойи, уларнинг ўзига хос меъморчилик услублари рассом кўнглидан жой олиб, қўлига мўйқалам олишга ундайди. Кейинчалик рассом Тошкент театри ва рассомчилик институтида ўқишни давом эттирди. Кўп вақтини Эски шаҳарда ўтказган рассом учун бу даврда қизгин ижод палласи бошланди. Ўзининг ян-

гича қарашлари, бой таассуротларини мусаввир пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳаётдан ҳикоя қилувчи ла-



вҳалар ва меъморчилик кўри-нишларини абадийлаштиришда ифодалади. Унинг ҳар бир асари ўзига хос жозибага эга. "Айвонда оила" (1999), "Ховлича" (1991), "Оқшом" (1991), "Бизнинг кўчада баҳор" (1986), "Кеч" (1992), "Тунги манзара" (1984) асарларини



кузатадиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ҳақиқий санъат намунаси эканлигига амин бўламиз.

Ҳозирги кунда у Хоразмга бориб Хива шаҳри, унинг кўчалари, меъморчилик ёдгорликлари, шаҳар ҳаётини ўз асарларида акс эттирмоқда.

Рассом халқимизнинг анъанавий турмуш кўри-нишларини ич-ичидан ҳис қилади. Одатдан ташқари ёки узоқ сафарга чиқиб, ғайритабиий ҳолатлар қидириб ўтирмайди, ўзи ўсган муҳит, мулоқотда бўлган кишилар қиёфасини тасвирлашга интилади, қалби тусоған мотивларни, кўнглини қитқиланган, ижодга ундаган кўри-нишларни мўйқаламда тасвирлайди. Ҳар бир ҳаётий ҳолат майда-чуйда нарсалар эмас, балки рассом учун муқаддас, қалбини ҳаяжонга соладиган, ларзага келтирадиган кўри-нишлардир. Унинг қаламчизгиларида булар эркин, равон ва баралла куйланади.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунос

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида намойиш қилинган "Ватан" филмининг кўриб кўнглимдан ана шундай фикрлар ўтди.

Истеъдодли режиссёр Зулфқор Мусоқов томонидан суратга олинган фильм ватандошимиз Қурбон отанингни ўғли билан Ўзбекистонга келишидан бошланади. Ватан соғинчи, аждодлар ёди, севгилиси гўзал Гунафшанингни унутилмас хотираси Қурбон ота қалбини умр бўйи кемириб келган. Она замин тупроғини ўпиб, тавоф қиларкан, Ватаннинг муқаддаслигини юрагидан ўтказди. Қахрамоннинг бу руҳий ҳолати томошабин қалбига кўчади. Ватаннинг ҳар сиқим тупроғи муқаддас эканлигини яна бир карра юракка жойлайди.

Фильм режиссёри қахрамонларнинг руҳий кечинмалари орқали асар гоёсини очиб беради. Оператор Абдурахим Исмоилов эса Қурбон отанингни руҳиятини, унинг ғамгин нигоҳлари, юзларида акс этган умр чизиқлари, хуллас, армонли йилларни, аччиқ қисмат изтиробларини алоҳида маҳорат билан тасвирга олган.

Фильмда Иккинчи жаҳон уруши ва бугунги кун лавҳалари узилмас занжирдек бири-бирига боғланиб, уйғунлашиб кетган. Композиция қурилишидаги бундай усул томошабинни ипсиз боғлаб олади. Киноасарда етук актёрларнинг жонли ижроси унинг қимматини оширади. Фильмни шунчаки томоша қилиб бўлмайди, чун-

Биз Ватанни чиройи, улуғлар бешиги бўлгани учунгина эмас, балки жисми-жонимиз билан бирга Ватанники бўлганимиз учун ҳам севаимиз. Тўғри, китобларда ёзилганидек баландпарвоз сўзлар билан Ватан таърифни келтиролмаслигимиз мумкин. Аммо Ватан мадҳияси янграганда, юрагимиз қалқиб кетади, байрогимиз бошимиз узра хилпираб турганда, гуруримиз унга монанд юксалади. Муқаддас она заминимизда ўсган ҳар бир гўёх, ҳар япроқ қалбимизга яқин. Сувлари жонимизга малҳам, шамоли руҳимизга қувват. Чунки у бизники, биз эса уники...

Ватан

ки кўнглини жунбушга келтирадиган лавҳалар жуда кўп.

Бош қахрамоннинг ёшлик йилларини Музаффар Саъдуллаев ижро этган. Қурбон отанингни юрт соғинчи ила уйғунлашган, армонли нуруний қиёфаси Маннон Уйғур номидаги Санъат институти ўқитувчиси Абдуманнон Убайдуллаев талқинида яратилган. Она заминдан йироқда яшаган қахрамоннинг ички кечинмалари, уй-хаёллари, қалбидаги армон ва соғинчи ишонарли тарзда ижро этилади.

Ватандан олисда, ҳеч қутилмаган тулқинликнинг оғир ва фожеали кунларида икки севишган Гунафша ва Қурбоннинг тасодифий учрашуви асарнинг чўққиси — кульминацион нуқтасини ташкил этади. Гунафшанингни беғубор севгиси, содда, самимиятга йўғрилган қиёфасини истеъдодли ёш актриса Раъно Шодиева ижро этган. Унинг талқинида Гунафша вафодор ўзбек аёли тимсоли даражасида зўр маҳорат билан томошабинга тақдим этилган. Актриса Гунафша ролига алоҳида ёндошиб, унинг буюк севгиси ва фожеали ҳаётига то-

мошабинни мафтун этади.

Қурбон ва Ҳомид ўртасидаги дўстлик Гунафшага бўлган муносабат туфайли кучли адоватга айланади. Ҳомиднинг хиёнат ва қинғирликлари Қурбоннинг беғубор муҳаббатига, бахтига соя ташлайди. Унинг кечирилмас гуноҳи жазоси сифатида кўзлари кўр бўлиб қолади. Қурбон унинг гуноҳини кечиролмайди. Фильм сўнггида Гунафша ва Қурбоннинг соф муҳаббатига чанг солган, ҳамқишлоқларининг қарғишига қолган, қалби ҳам кўзидек сўқир бўлиб қолган Ҳомиднинг аянчли ҳолати, Қурбондан кўриқиб кечирим сўраб зорланишларини ажойиб истеъдод сохиби Обид Юнусов зўр маҳорат ва эҳтирос билан талқин этади.

Фильмнинг гоёси буюк инсонийлик, меҳр-муҳаббат руҳи билан сугорилган. Унда инсон оламнинг гултожи сифатида тасвирланиб, бу ёруғ оламда у яшамок, севиб-севилмоқ учун яратилганлиги тараннум этилади. Фильмни кўриб, ана шу нарсага амин бўламиз: бу дунёда қаҳр-ғазаб, нафрат, хиёнат, энг муҳими, урушга ўрин йўқ...

Гулнора ҚУЛМАТОВА

Жиззахнинг номини машҳур этиб келаётган Амир Темур дарвозаси атрофидаги кенг кўламли ўзгаришлардан ҳамма хабардор. Мағрибдан машриққача, машриқдан мағрибгача бораётган меҳмон сайёҳлар асрлар давомида мағрур турган қояли тошларга хайратланишса, қоялар атрофидаги бунёдкорлик ишларига кўзлари тушиб, «Балли, сенга ўзбек!» дейишлари, шубҳасиз.



ТЕКИС ЙЎЛДА КУЙЛАНГАН ҚУШИК

Қадимда Самарқанд мадрасасига сабоққа боришга 4 кечакундуз пиёда юрилар экан. Бугун-чи? Бугун жиззахлик талаба бобоси 4 кун вақт сарфлаб етган манзилга бир, нари борса бир ярим соатда етиб турибди. Бу қозондаги палов пишишга кетганча вақтдир. Чунки Жиззах билан Самарқанд шаҳарларини бир-бирига боғлайдиган республика аҳамиятига молик йўл тобора равонлашиб бораёпти. Аниқроғи, у жаҳон андозаларига мос равишда қайта қурилмоқда. Азал-азалдан йўл қуриш савобли иш саналган. Негаки, равон, текис йўллар, мустоҳкам кўприклардан ўтган йўловчилар уни қурганлар ҳақида дуо қилишган. Шу сабаб катта ўзбек трактининг Фалларол тумани тоғли худудидан ўтган қисмини бунёд этаётган йўлсозлар меҳнатини қадрласа, шарафласа арзийди.

Ана шу улкан иншоотда амалга оширилаётган ишлардан воқиф бўлиш ниятида у томон йўл олдик. Бизни манзилга элтаётган енгил машина сония сайин тезлигини оширсанда, йўлнинг равонлиги боис машинанингни шовқини ҳам сезилмасди. Темур дарвозасига яқинлашганимизда, 3-4 яшар болакай ўз-ўзидан завқланиб, аввалига истиқлол ҳақида қўшиқ айтиди, кейин Ватанимиз мадҳияси матнини бурро-бурро қилиб ёд ўқиди. Болакай текис йўлдан, уни манзилга элтаётган янги машинадан, қолаверса, чор-атрофдаги гўзал манзарадан илҳомланган бўлса, не ажаб. Биз ҳам унинг қувончига шерик бўлиб, улкан иш кетаётган жойга етиб олганимизни сезмай қолдик. Бу ерда «Жиззахавтойўл» йўл қурилиш худудий шўъба ташкилоти фидойилари қудратли техника воситалари билан келишган экан.

«Алмати-Бишкек-Тошкент-Термиз» халқаро аҳамиятга эга йўлнинг бу участкаси, аслида ўтган асрнинг 80-йилларида қурилиб, ишга туширилиши кўзда тутилган эди, — дейди ташкилот бош муҳандиси Тохир Жўраев. — Биринчидан, маблағ йўқлиги, иккинчидан, ўзибўларчилик оқибатида йўлни қуриш 20-25 йил орқага сурилиб кетди. Эътибор берсангиз, Бахмалсой қишлоғидаги бозор атрофи шу қадар машиналар билан тирбанд бўладик, худди катта шаҳарни эслатади. Устига устак Туркия, Эрон, Афғонистон ва бошқа давлатлардан Тошкент, Алмати, Бишкек шаҳарларига йўл олаётган транзит юк машиналари ҳам безор атрофидаги йўл бўйлаб ҳаракат қилади. Бу аҳолига, бозор ва чойхоналарга тўхтаган йўловчи-харидорларга катта ноқулайлик туғдирмоқда. Агар биз бунёд этаётган йўл белгиланган муддатда ишга туширилса, хориз давлатларидан келаётган автоуловлар, мамлакатимиз юк ташувчи транспортлари ана шу йўл бўйлаб ҳаракатлана бошлайди. Нима бўлганда ҳам, хайрли ишнинг кечи йўқ.

Катта ўзбек трактининг битмай қолган 1005-1013-километрдаги 7 километрлик участкаси учун ўтган йили тендер эълон қилинди. Тендерга Заргар қишлоғи худуди билан қияликни боғлайдиган катта кўприк қурилиши ҳам киритилган эди. «Жиззахавтойўл» ташкилоти республика миқёсидаги тендерда қатнашиб, ғолиб бўлди.

Иншоот мураккаб тоғли худудда жойлашганлиги боис, ундаги ишларни бажаришга мамлакат газнасидан, аниқроғи, Республика йўл фондидан 2 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилди. Йўл қурилишида нафақат жиззахлик йўлсозлар, балки тошкентлик бунёдкорлар ҳам иштирок этишяпти. Ўзлаб техникалар — автомашиналар, бургулаш мосламалари, кўтарма кранлар, бульдозерлар юсак унум билан ишлатилаётганлиги боис режадаги ишнинг 60-70 фоизи уддалаб бўлинди. Энг асосийси, вилоят худудидидаги ноёб ва мураккаб муҳандислик коммуникация асосида қурилаётган кўприкдаги ишлар тобора жадаллашмоқда. Бу йўл қурилиб, ишга тушгач, Тошкент, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қарши, Термиз, Бухоро шаҳарлари ўртасидаги транспорт қатнови янада яхшиланди.

Хуллас, бунёд этилаётган йўл, қурилаётган кўприк мамлакатнинг, халқнинг бахти-иқболига хизмат қилади.

Б.НОРҚУЛОВ, Х.БОТИРОВ, журналистлар

Хатлар хаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Хушxabар

ЗАМОНАВИЙ ЦЕХ ИШГА ТУШДИ

Ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш ва уларнинг доимий ишли бўлишини таъминлаш давр олдимишга қўяётган муҳим масалалар сирасидан. Гурлан туманида бу борада бир талай ишлар қилинаётир. Хусусан, «Амударё» фермерлар уюшмасида жорий йилнинг шу кунига қадар аҳолини иш билан таъминлаш бизнес-режага кўра олиб борилмоқда. Даставвал, қишлоқлардаги ташландиқ ҳолга келиб қолган айрим бинолар қайта таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан тўлдирилди. Фермер ва ишбилармонларнинг бу ташаббуси туман мутасадди ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Натижада мавжуд қишлоқларда тўртта тикиш-бичиш цехлари барпо этилиб, 80 нафардан зиёд хотин-қизларни иш билан таъминлашга эришилди. Улар турли хил халк истеъмоли моллари ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришаётир. Собиқ ширкат хўжалигининг маданият уйи қошида эса ана шу цехларда ишлаш учун мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг касбий маҳоратларини ошириш бўйича қисқа курслар ташкил этилган. Бундан ташқари, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича ҳам бир қанча шохобчалар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Болтабой ЭРНАФАСОВ,
Хоразм вилояти

Жавоб

«Туш таъбири»... ўнгидан келди

«Ишонч», 2006 йил, 17 июн

«Ишонч» газетасида босилган «Туш таъбири» сарлавхали танқидий мақола тегишли ташкилот ва корхона раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда қайта такрорламаслик чоратadbирлари белгилаб олинди.

«Кувача» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли билан жойида суҳбатлашиб, муаммо ва камчиликлар бартараф этилди. Жумладан, ҳудуддаги сув танқислиги ижобий ҳал қилиниб, «оби ҳаёт» етарли миқдорда ажратиб берилди.

Танқидий мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар қайта такрорланмаслиги бўйича тadbирлар ишлаб чиқилди ва вилоят ҳокимлиги томонидан қатъий назоратга олинди.

Н. ҲАЙДАРОВ,
Бухоро вилояти ҳокимлиги котибият мудир



Оний бир табассум энг ширин бода...

Истиқлол берган имкон

Марҳаматлиқларни Россияда ҳам билишади

Имкониятлар эшиги чексизлигига қарамай, Марҳамат туманидаги «Электротехника заводи» очик турдаги акционерлик жамияти вилоятдаги ночор корхоналар сирасига тушиб қолганди. Ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулотлар бозор рақобатига бардош беролмаганлиги боис оморларда қалашиб ётарди. Натижада меҳнат аҳли вақтида маошини ҳам ололмасдан парокандаликка юз тутганди. Аҳвол шу даражада давом этаверса, корхона санацияга тушиб қолиши ҳеч гап эмас эди.

Масаланинг ана шу жиҳатига жиддий эътибор қаратган маъмурийят вилоят «Савдо-саноат палатаси» мутасаддилари билан учрашиб, ҳамкорликни йўлга қўйди. Акциялар савдосида хорихий сармоядорлар учун улуш ажратилгани режадаги ишларнинг юришиб кетишига шароит яратди. Санкт-Петербургдаги «ООО Азимут 2000» масъулияти чекланган жамият мулкдори жамоанинг акциядорлари қаторидан жой олди. Чунки андижонлик ҳамкасбларининг хунармандлиги уларда катта қизиқиш уйғотганди.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Шунга қарамай, Марҳамат корхонасида тайёрланаётган электр жиҳозлари Москва, Санкт-Петербург ва яна бир қанча шаҳарлардаги дўконлардан кенг жой олиб, истеъмолчилар эътиборини тортмоқда.

Энг муҳими, корхонада меҳнатни ташкил қилиш, ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг янги имкониятлари очилмоқда. Серунум, замонавий технология тизимлари ишга туширилиши туфайли меҳнат муҳофазаси тубдан яхшиланди. Оғир қўл меҳнати билан бажарилаётган юмушларга барҳам берилиб, улар дастгоҳлар орқали амалга ошириляпти. Мавжуд цехларда шовқинсиз ишлайдиган машиналар ўрнатилган бўлиб, ишловчилар турдош касбларни ҳам эгаллашмоқда.

Тўлқин ТЕМИРОВ,
Андижон вилояти

Ташаббус

НОГИРОНЛАРГА МАДАД

Чуст тумани ижтимоий таъминот бўлими мутасаддилари «Хомийлар ва шифокорлар» йили дастури асосида кам таъминланган, ногирон ва нафақадорларни ижтимоий-иқтисодий қўллаш ишларида ибратли тadbирларни амалга оширишяпти. Меҳрга муҳтожларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жумладан, ўтган ойлор оралигида ҳудуд қишлоқларида истиқомат қилаётган 80 нафар қарияга шаҳар ва бошқа йўналишлар бўйича ҳаракатланаётган транспортларда бепул юриш имтиёзини берувчи гувоҳномалар тарқатилди.

Туманда юз билан юзлашган 20 нафардан зиёд нурунийлар ва табаррук инсонлар умргузаронлик қилишади. Уларга бўлим томонидан мутахассислар ажратилган ва доимо эътиборда.

Кувончлиси шуки, ижтимоий таъминот бўлими қошида ногиронлар аравачаси тайёрланадиган цех ишлаб турибди. Бу жойда фаолият юритаётган ўн нафардан зиёд усталар сидқидилдан меҳнат қилиб, ёрдамга муҳтож кишилар мушқулини енгиллатишга ҳаракат қилишмоқда. Эндилкида бу хайрли ташаббус билан танишгани ва ҳамкорлик қилиш ниятида кўшни туманлардан ҳамда вилоятлардан вакиллар келишмоқда. Савобли ишларни амалга оширишда У. Қаримов, Э. Қурбонов, Б. Самадов каби тadbиркорларнинг алоҳида ҳиссаси бор.

Омонжон НУРМАТОВ,
Наманган вилояти

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА

замонавий тиббий хизмат

Мустақиллик йилларида барча соҳалар сингари тиббиётни ислоҳ қилиш йўлида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Булар самараси ўлароқ, олис қишлоқлар аҳолиси ҳам малакали тиббий хизматдан самарали фойдалана бошлашди. Ҳар бир қишлоқда врачлик пунктлари қурилиб ишга туширилмоқда.

Пахтакор туманидаги А.Икромов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам қишлоқ врачлик амбулаторияси таъмирланиб, ишга туширилди. Ҳозирда тўрт нафар амалиётчи шифокор, 11 нафар тиббий ҳамшира ҳудудда истиқомат қилувчи 8 минг нафарга яқин аҳоли саломатлигини муҳофазаламоқда. Шифохонада 10 ўринли кундузги бўлим, физиотерапия, УВЧ, электрокардиограмма, жарроҳлик, стоматология, болалар ва аёллар маслаҳатхонаси каби муолажа хоналар мавжуд.

Шифокорларимиз умумий амалиёт бўйича масканга эга. Тез тиббий ёрдам шу ёрнинг ўзида амалга оширилади ва дори-дармон бепул қўлланилади. Туғиш ёшидаги 1727 аёл доимий назоратга олинган. Диспансер назоратида 650 киши турибди.

ҚВПда «Оила ҳамшираси» хизмати йўлга қўйилган. Бу йўлда Д.Холбоева, Б.Эрматова, Г.Жумабекова, К.Исоқова сингари жонкуярларимиз камарбаста.

Мамлакат МҮМИНОВА,
«Шухрат» медали соҳибаси

Тараддуд

ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Қиш мавсуми арафасида мутасадди ташкилотлардагилар ҳам, истеъмолчилар ҳам бу борадаги муаммоларни бартараф этишга ошиқиб қолишади. Бироқ Жиззах вилоятида мавсумнинг беталофат ўтиши учун баҳорданоқ ишга киришиш одатга айланган.

Жумладан, вилоят «Иссиқлик манбаи» бошқармаси жамоаси режадаги иссиқлик узатиш тармоқларининг асосий қисмини ҳозирданоқ шай қилиб қўйишди.

«Ўзкоммуниссиқтаъминот» очик акциядорлик жамиятининг вилоят филиали мутахассислари Жиззахнинг эски шаҳар қисмини иссиқлик билан таъминлайдиган қозонхонани муддатидан илгари таъмирлаб, фойдаланишга топширишди. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2006-2007 йилларда куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлди.

Мустақилликнинг 15 йиллик тўйигача Жиззах, Фаллаорол, Дўстлик, Зарбдор, Фориш каби туманлардаги саккизта қозонхоналар ҳам жорий таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган. Шу кунларда тузатиш ишлари бормоқда.

Карим МАЖИДОВ,
Жиззах вилояти

Саҳифани Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

Журналист суриштируви

Тошкент шаҳар, Ҳамза туманидаги "Тарнов Боши" маҳалласи 1966 йилдаги ер кимирлаши натижасида уй-жойсиз қолган ерли аҳолига хусусий уйлар қуриш учун ажратилган жойда 1968 йил ташкил этилган. Ташкил этилгандан бошлаб 2003 йилгача унга маҳаллада ҳурмат қозонган, ҳозирда маҳалланинг фахрий оқсоқоли Кўчкор ака Эрматов раислик қилди. Кўчкор ака 35 йиллик фаолиятида маҳалладаги талай хайрли тадбирларга, қатор бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлди. Унинг айтишича, 1998 йилгача маҳаллада на гузар, на бирор йиғин ўтказишга яроқли бино бўлган. Фақат маҳалла раиси ва котиби ўтирадиган иккита кичик хона, ўн беш киши ўтирадиган чойхона, ҳамда маҳалла фуқароларидан йиғилган маблағ эвазига олинган дошқозон, иккита катта самовар, идиш-товок ва бошқа жиҳозлар сақланидиган бир хона мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам Кўчкор аканинг маҳалла оқсоқоли этиб сайланган кундан бошлаб ҳаёлини банд этиб келган фикр бу маҳаллада гузар қуриш эди. Унинг бу фикри барчага бирдек маъқул келди ва Кўчкор ака бошлиқ бир гуруҳ маҳалла фаоллари Тошкент шаҳар ҳокимиятига мурожаат этишди. Уларнинг арзи холлари беиз кетмади.

Тошкент шаҳар ҳокими 1996 йил 22 январда Ҳамза тумани, Шоҳсанам ва Миршаропов кўчалари кесишган жойда жойлашган "Тарновбоши" маҳалла ҳудудида маҳалла гузари учун доимий фойдаланишга ер ажратиш ва гузарни қисқа муддатда қуриб, фойдаланишга топшириш ҳақида фармойиш берди. Шундан сўнг бу ерда қурилиш ишлари олиб борилди.

1998 йил 14 сентябрда Ҳамза тумани ҳокимининг 1057-сонли қарори билан қуриб битказилган гузар биносини фойдаланишга топшириш учун ҳайъат тузилди. Тадбиркор Равшан Юсупов раҳбарлигидаги "Янгиобод гузари" давлат унитар корхонаси "Тарновбоши" маҳалла маслаҳатчилари кенгаши билан шартнома тузиб, фаолият кўрсата бошлади. Мазкур корхона гузар биносини яроқли ҳолда сақлаш, коммунал хизмат ҳамда солиқ тўловларини вақтида тўлаш билан бир қаторда, маҳалла ўтказадиган барча тадбирларда фаол иштирок этиб, ночор оилаларга ҳам ёрдам бериб келди.

Бундан ташқари, Ҳамза тумани ҳокими 2001 йил 20 февралда "Шоҳсанам кўчаси, 58-уй манзилидаги "Янгиобод" гузарини, туман "Уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси" тасарруфидан чиқариб, "Тарновбоши" маҳалла тасарруфига ўтказиш тўғрисида" 182-сонли қарор қабул қилади. Шундан сўнг гузар тўлалигича маҳалла тасарруфига олинади, гузарда фаолият юритаётган "Янгиобод гузари" Давлат унитар корхонаси маҳалла билан тузилган шартнома асосида ўз фаолиятини давом эттиради. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкни бошқариш қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2005 йил 9 сентябрдаги 349 пп-р-сонли "Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Миршаропов кўчаси, 85-уй манзилида (Бу манзил олдин, Шоҳсанам кўчаси, 58-уй деб кўрсатилган эди, негаки кўчалар кесишган жойда жойлашгани боис, ҳужжатларда икки хил уй манзили кўрсатилган) жойлашган "Янгиобод гузари" давлат унитар корхонасини Н.Қиёмовга хусусий-

лаштириш тўғрисида" ги Фармойиш и қабул қилинди.

Ушбу фармойишда таъкидланишича

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида" ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2005-2006 йилларда корхоналарни дав-

лат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида" 2005 йил 14 мартдаги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон ва 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорлари, Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2005 йил 5 июлдаги 162-6-ПО-сон буйруғига мувофиқ юқорида манзили кўрсатиб ўтилган, бундан буён "Объект" деб аталувчи, "Гузар-Янгиобод" давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Лисунов 4-кўчаси, 63-уй, 2-хонадонда яшовчи Нуриддин Қиёмовга икки миллион сўмга сотилганлиги боис ушбу "Объект" унинг номига хусусийлаштирилсин.

2. Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва "Харидор" ўртасида ўн кун ичида ушбу "Объект"га мулк ҳуқуқи бериш юзасидан олди-сотди шартномаси тузилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИНING 09.09. 2005 ЙИЛДАГИ ФАРМОЙИШИДАН КЎЧИРМА

1. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Миршаропов кўчаси, 85-уй манзилида жойлашган, бундан буён "Объект" деб аталувчи, "Гузар-Янгиобод" давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов кўчаси, 63-уй, 2-хонадонда яшовчи, бундан буён "Харидор" деб аталувчи, Нуриддин Қиёмовга 2 000 000 (икки миллион) сўмга сотилганлигини инобатга олиб, ушбу "Объект" унинг номига хусусийлаштирилсин.


2. Давлат мулк қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва "Харидор" ўртасида ўн кун ичида ушбу "Объект"га мулк ҳуқуқи бериш юзасидан олди-сотди шартномаси тузилсин.

Маҳалла оқсоқоллари нимадан ташвишда?



ла аҳлининг мурожаатидаги гаплар ҳақиқат эканига амин бўлдик.

Маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг таҳририятимизга йўллаган мурожаатидан хабар топган Н.Қиёмов ҳам таҳририятга хат жўнатди. Унда



тўловлар амалга оширилгандан сўнг 2005 йил 6 октябрда берилди.

Шу асосда, Н. Қиёмовга "Гузар-Янгиобод" давлат унитар корхонаси балансида бўлган корхонанинг муҳри ва штампи, ҳисоб-китоб дафтарчаси, 2003, 2004, 2005 йилларнинг банк ва касса ҳужжатлари, корхонанинг 2005 йил 28 октябр ҳолати бўйича ҳисоб рақамидagi 278543 сўм 65 тийин, 122-, 126-, 127-сонли касса китобчалари 2005 йил 2 ноябрда корхонанинг собиқ директори Д. Юсупов, собиқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси А. Собиров иштирокида топширилди. Қўриб турганингиздек, Н. Қиёмов номига хусусийлаштирилган унитар корхона балансида, маҳалла аҳли орзу-умидларининг рўёби сифатида барпо этилган гузар биноси, ери ва унга тегишли бўлган инвентарлар бўлмаган.

Шундай бўлишига қарамай, Н.Қиёмов раҳбарлик қилаётган мазкур корхона "Тарновбоши" маҳалласи тасарруфидаги гузар биноси, ери ва инвентарларидан хусусий мулк сифатида, ўз билганича фойдаланмоқда. "Дилдора-Бахт" — янги номда фаолият юритаётган хусусий корхонанинг бундай хатти-ҳаракатлари эса маҳалла аҳлининг қаттиқ норозилигига сабаб бўлмоқда. Маҳалла маслаҳатчилари, фахрийларининг таҳририятимизга йўллаган мурожаатида ҳам худди шу масалалар, яъни гузар биноси ва инвентарлар маҳаллага тегишли бўлишига қарамай, Н.Қиёмовнинг маҳалла билан умуман ҳисоблашмай иш юритаётгани, ҳатто маъмурий бинони оиласи учун яшаш манзилига айлантириб олгани қайд этилган. Гузарга бориб, аҳвол билан танишганимизда, маҳал-

ла маҳалла аҳлининг эътирозлари ноўрин эканлиги, мазкур "Объект"нинг унинг номига хусусийлаштирилиши борасидаги ишларнинг барчаси қонуний йўл билан амалга оширилганлиги таъкидланган. Қатор маиший хизмат турларини ўз ичига олган, 500 нафар кишига дастурхон тузаб, тўй-ҳашамлар ўтказиш имконияти мавжуд бўлган гузар биноси инвентарлари билан маҳалла тасарруфидан чиқиб кетаётгани оқсоқолларни ташвишга солмоқда. Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, Н. Қиёмов оиласи билан кўчиб келиб, уларга — бу бинолар, ер, маиший хизмат кўрсатиш хоналари, ҳамма-ҳаммаси менга тегишли, уни мен сотиб олганман, қўлимда ордери бор — дейиши кишини ўйга толдиради.

Раимқул СУЯРОВ, "Ишонч" муҳбири

Таҳририятдан:

Н.Қиёмов тўғри айтади, ҳақиқатдан ҳам унинг қўлида "Гузар-Янгиобод" Давлат унитар корхонасини қонуний сотиб олганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар мавжуд. Бунга ҳеч ким эътироз билдиролмайди. Фақат, ушбу ҳужжатларнинг бирортасида, жумладан, олди-сотди шартномасини қонуний ўтишини таъминлашда қатнашган "SHAHAR MULKI" МЧЖ директори А.С. Асқарходжаев имзолаб берган активлар ва пасивлар рўйхатига (Бу рўйхатни Н. Қиёмовнинг ўзи таҳририятга тақдим этди) ҳам сиз суратда кўриб турган маҳалла тўйхонаси ва унга қўшимча бинолар, маҳалла тасарруфидаги юз комплектга яқин стол-стуллар, самоварлар ва дошқозонлар ҳамда идиш-товоклар киритилмаган. Шунинг учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш

Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари П.С.Зариповнинг 2001 йил 12 июлдаги хатида таъкидланганидек, "ДИЛДОРА-БАХТ" корхонаси ўзига қонуний асосда хатлаб берган мулкни хоҳлаганича тасарруф этиши мумкин. Фақат маҳалла тасарруфидаги биноларни ва инвентарларни эмас. Чунки Ҳамза туман ҳокимининг мақолада тилга олинган қароридagi ушбу бандлар ҳали бекор қилинган эмас:

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимининг 20.02.2001 йилдаги 182-сонли қароридан кўчирма:

1. Шоҳсанам кўчаси, 58 манзилдаги барпо этилган "Янгиобод" гузарини туман "Уй-жойларидан фойдаланиш бошқармаси" тасарруфидан чиқариб, "Тарновбоши" маҳалла тасарруфига ўтказилсин.

P.S.

Маҳалла оқсоқоллари билан Н.Қиёмов ва унинг оиласи ўртасидаги баҳсга эса фақат суд орқали чек қўйилиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Хафталик TV дастури

7-13 август

Душанба



O'ZBEKISTON

Хурматли телетомошбинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 7 август кuni "O'zbekiston" телерадиоканали ўз курсатувларини соат 14.55 дан бошлади. 14.55 Курсатувлар дастури, 15.00-15.45 "Тахлинома", 15.45 "Ватанпарвар", "Болалар сайёраси", 16.45 "Эртақлар - яшиллик етаклар", 17.00 "Ахборот", 17.10 ТВ анос, 17.15 Олтин мерос, 17.20 "Равнак" студияси намойиш этади, 17.35 "Файратли йигитлар", Ҳажвий курсатув, 18.00 "Қалқон", 18.15 "Оҳанлар оғушида", 18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги, олдидан, "Умр дафтари", О. Шарофиддинов, 1-қисм, 18.40 "Назм ва наво", 19.15 ТВ анос, 19.20 Биржа ва банк хабарлари, 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар, 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анос, 20.05 "Омон бўлинг!", 20.10 "Ишқ эртаги", Телесериал премьераси, 21.00 "Ахборот", 21.35 ТВ анос, 21.40 "Сиз соғинган оҳанлар", Э. Лутфуллаев, 22.00 "Такдир тўғриси", Телесериал премьераси (Корея), 23.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS, Овоз берчи), 23.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралигида", 23.35-23.40 Тунги наволар.

YOSHLAR

Телетомошбинлар диққатига! Соат 15.55 гача профилактика, 15.55 Дастурнинг очилиши, 16.00 Давр, 16.15 Анослар, 16.20 Шум болалар, 16.30 Болалар, 16.40 SMS-танлов, 16.45 Қишлоқдаги тенгдошим.

17.05 UzEX хабарлари (инглиз ва рус тилларида), 17.25 "Моя мечта", Дунё таомлари, 17.55 Анослар, 18.00 "Унинг кириллик", Бадий фильм, 6-қисм, 18.40 SMS-танлов, 18.45 UzEX хабарлари, 18.55 Ватан ҳақида уйлар, 19.00 Давр, 19.35 Анослар, 19.40 SMS-танлов, 19.45 Ракурс, 20.00 Спорт-лото, 20.10 CINEMANIYA, 20.30 Оқшом кўнжироқлари, 19.40 SMS-танлов, 20.55 Эълонлар, 21.00 "Фараҳли ноябрь", Бадий фильм, 22.00 Давр, 22.35 Кўнжир таронаси, 22.45 "Фараҳли ноябрь", Бадий фильм (давomi), 23.35 - 23.40 Орзулар бекати.

TOSHKENT

18.10 Курсатувлар тартиби, 18.15 Мультифильм, "Покахонтас", 18.30 "Пойтахт" ахборот дастури, /рус/, 18.45 "Анос", 18.50 "Химоя", 19.00 "Телекурер-маркет", 19.15 "23, 5 даражали бурчак остида", Хужжатли телесериал, 19.40 Мусика SMS, 19.55 "Тв юрист", 20.00 "Пойтахт" ахборот дастури, 20.15 "Анос", 20.20 "Индаба", Телесериал, /рус/, 20.45 "Телекурер-маркет", 21.00 "Жозиб", 21.15 "Эрудит", 21.30 "Пойтахт" ахборот дастури, /рус/, 21.45 "Анос", 21.50 "Кино мўжизалари", Илмий-оммабоп фильм, /рус/, 22.15 "Аёл қалби", 22.30 "Пойтахт" ахборот дастури, 22.45 "Анос", 22.50 Кино, "Доктор Жекл ва Мистер Хайд", Бадий фильм, 00.15-00.20 "Хайрли тун, шахрим".

SPORT-TV

7.00 "Бодро утро", 8.00 "Версия", Информационно-аналитическая программа, 8.30 Мультифильм, 9.00 "Талқин", Информацион-таҳлилий курсатув, 9.30 "Детективы", 10.05 Футбол, Ўзбекистон чемпионати, "Трактор" - "Нефчи", 10.55 "Мониторинг", 11.15 "Талисман", Сериал, 12.00 Бокс, Ўзбекистон чемпионати, 12.40-13.30 Футбол, Ўзбекистон чемпионати, "Андижон" - "Машъал", 18.00 "Болалар спорти", 18.15 "Спортмиз маликалари", 18.30 "Хабарлар" (рус. тилида), 18.55 "Жди меня", 20.00 "Вести", 20.20 "Тет-а-тет", 20.30 "Жизнь прекрасна", Сериал, 21.30 "Хабарлар" (узб. тилида), 21.50 "Футбол шарқи", 22.10 "Проф-РИНГ", 23.00 Енгил атлетика, Европа чемпионати, 23.45 Бокс, Ўзбекистон чемпионати, 00.45 "Тунингиз осуда бўлинг!"

ПЕРВЫЙ

6.55 Телеканал "Доброе утро", 10.00 Новости, 10.05 Телеканал "Доброе утро", 10.30 "Агент национальной безопасности", Много-серийный фильм, 11.30 "Доктор Куратов", 12.00 "Малков +", 13.00 Новости, 13.15 Сериал "Талисман", 14.00 "Дети-маугли", Документальный фильм, 14.45 "Чудо стволной клетки", Документальный фильм, 15.20 Криминальная Россия, "Смертоносное трио", 16.00 Новости (с субтитрами), 16.20 "Сердце на продажу", Документальный фильм, 17.20 "Детективы", 17.55 "Луть говорят" с Андреем Малаховым, 19.00 Венерине новости (с субтитрами), 19.15 Михаил Евдокимов "Избранное", 19.50 "Любовь как любовь", Многосерийный фильм, 20.55 "Жди меня", 22.00 Время, 22.30 Андрей Соколов в многосерийном фильме "Близнецы", 23.25 "Живые игрушки для взрослых", Документальный фильм, 0.25 Криминальная Россия, "Ген убийцы", 1-я серия, 1.00 "На ночь глядя", 1.45 Теория вероятности, "Тайные знаки земли", 2.30 Джек Николсон в острозащитном фильме "Хорфа", 4.00 Врачи, 4.30 Фильм "Хорфа", Продолжение, 5.20 "Дети-маугли", Документальный фильм, 6.00 Новости

РОССИЯ

4.00 "Доброе утро, Россия!", 7.45 "Человек без маски, Георг Отс", 8.45 ВЕСТИ, ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ, 9.00 Анна Ковальчук в детективном сериале "Тайны следствия", 10.00 ВЕСТИ, 10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ, ВЕСТИ-МОСКВА, 10.50 Анна Ковальчук в детективном сериале "Тайны следствия", 11.50 Юрий Степанов, Роман Мадянов, Дмитрий Назаров, Егор Бероев и Дина Корзун в телесериале "Гражданин начальник", 13.00 ВЕСТИ, 13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ, ВЕСТИ-МОСКВА, 13.40 Анна Казюччи, Николай Иванов, Галина Польская, Алексей Горбунов и Николай Чиндриян в фильме "Мы умрем вместе", 2005, 15.45 ВЕСТИ, ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ, 16.00 ВЕСТИ, 16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ, ВЕСТИ-МОСКВА, 16.40 "Обреченная стать звездой", Телесериал, 17.40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Ободина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долгунин и Анатолий Лобозов в телесериале "Волчица", 18.40 ВЕСТИ, ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ, 19.00 ВЕСТИ, 19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ, ВЕСТИ-МОСКВА, 20.05 "Спокойной ночи, малыши!", 20.15 РУССКАЯ СЕРИЯ, Анна Ковальчук в детективном сериале "Тайны следствия", 22.15 ПРЕМЬЕРА "Городок", 23.15 "ВЕСТИ+", 23.35 ПРЕМЬЕРА, Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химичев и Виктор Малекорочин в детективном телесериале "Угон", 0.30 "Дорогой патруль", 0.45 НОЧНОЙ СЕАНС, Острозащитный фильм "Взрослый ребенок" (США), 2002, 2.35 Канал "Евроно" на русском языке, 3.45 ВЕСТИ, ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

7.30 Победносный голос верующего, 8.00 Русские мультфильмы, 8.20 Мультифильм "Гаррильд", 61-я серия, 8.30 Мультифильм "Сабрина - маленькая ведьма", 41-я серия, 9.00 Мультифильм "Маска", 50-я серия, 9.30 Русские мультфильмы, 10.00 Художественный фильм "ЗЕНОН СПАСАЕТ БУДУЩЕЕ", США, 1999, 12.00 Художественный фильм "ДЕЛО СТАРИНЫ ДРАМА", США, 2000, 14.00 Сериал "Острозащитно, модерн", 14.30 Русские мультфильмы, 15.00 Художественный фильм "ЛЮБИМАЯ ЖЕНЩИНА МЕХАНИКА ГАВРИЛОВА", Россия, 1981, 16.45 Художественный фильм "ДВОЕ - ЭТО СЛИШКОМ", США, 1995, 19.00 Сериал "ГОРЕЦ-4", 15-я серия, 20.00 Художественный фильм "ФАИЛ "ВЕКТОР", Новая Зеландия, 2002, 22.00 Художественный фильм "КОРОЛЬ ЗАТЕРЯННОГО МИРА", США, 2005, 0.00 Художественный фильм "БАГРОВЫЙ ШТОРМ", Гонконг, 1999, 2.00 Художественный фильм "СМЕРТЬ ON-

СТС

7.00 "Веселые мелодии", Многосерийный мультипликационный фильм, 7.55 "Смешарики", Многосерийный мультипликационный фильм, 8.00 "33 квадратных метра", 8.30 Комедия на СТС, "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ", 9.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ", Многосерийный художественный фильм, 10.00 История в деталях, 10.28 Настроение с Евгением Гришковцом, "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?", 11.00 "ВИОЛА ТАРАКАНОВА, В МИРЕ ПРЕСТУПНЫХ СТРАСТЕЙ-2", Многосерийный художественный фильм, Фильм 2-й "ФИЛЕ ИЗ ЗОЛОТОГО ПЕТУШКА", 1-я часть, 13.00 "ТАЛИСМАН ЛЮБВИ", Многосерийный художественный фильм, 14.00 Комедия на СТС, "НОВАЯ СЕМЕЙКА АД-ДАМС", 14.30 "Экзкалибур", Многосерийный мультипликационный фильм, 15.00 "Смешарики", Многосерийный мультипликационный фильм, 16.00 "Лига справедливости", Многосерийный мультипликационный фильм, 17.00 Комедия на СТС, "САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА", 17.30 "ЗАЧАРОВАННЫЕ", Многосерийный художественный фильм, 18.30 "КОМИССАР РЕКС", Многосерийный художественный фильм, 3.00 Кино на СТС, "ЛЮБОВЬ, СБИВАЮЩАЯ С НОГУ", 4.25 Комедия на СТС, "ТЕСНЯЯ КОМПАНИЯ", 4.45 "ТАКСИСТ", Многосерийный художественный фильм, 2 серии, 6.10 Музыка на СТС.

ТВ-3

7.30 Победносный голос верующего, 8.00 Русские мультфильмы, 8.20 Мультифильм "Гаррильд", 62-я серия, 8.30 Мультифильм "Сабрина - маленькая ведьма", 42-я серия, 9.00 Мультифильм "Маска", 51-я серия, 9.30 Русские мультфильмы, 10.00 Художественный фильм "ЛЮБИМАЯ ЖЕНЩИНА МЕХАНИКА ГАВРИЛОВА", Россия, 1981, 11.45 Художественный фильм "ДВОЕ - ЭТО СЛИШКОМ", США, 1995, 14.00 Сериал "Острозащитно, модерн", 14.30 Русские мультфильмы, 15.00 Художественный фильм "ДЖЕЙН ЭЙР", Великобритания, 1996, 17.15 Художественный фильм "КОРОЛЬ ЗАТЕРЯННОГО МИРА", США, 2005, 19.00 Сериал "ГОРЕЦ-4", 16-я серия, 20.00 Художественный фильм "РАСИТИТЕЛИ ГРОБНИЦ", США - Гонконг, 2002, 22.00 Художественный фильм "КОГДА СОЛНЦЕ БЫЛО БОГОМ", Польша, 2003, 0.00 Художественный фильм "ГРЯНЬСЯ", США, 1980, 2.00 Художественный фильм "МЕРТВЫЙ СЕЗОН", США - Германия, 2004, 4.00 Сериал "ГОРЕЦ-4", 16-я серия, 4.45 Художественный фильм "ВОРЫ В ЗАКОНЕ", Россия, 1989,

СТС

7.00 "Веселые мелодии", Многосерийный мультипликационный фильм, 7.55 "Смешарики", Многосерийный мультипликационный фильм, 8.00 "33 квадратных метра", 8.30 Комедия на СТС, "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ", 9.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ", Многосерийный художественный фильм, 10.00 История в деталях, 10.28 Настроение с Евгением Гришковцом, "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?", 11.00 Кино на СТС, "ВСЕ МЕНЯЕТСЯ", 13.00 "ТАЛИСМАН ЛЮБВИ", Многосерийный художественный фильм, 14.30 "Экзкалибур", Многосерийный мультипликационный фильм, 15.00 "Смешарики", Многосерийный мультипликационный фильм, 15.05 "Принцесса Сисси", Многосерийный мультипликационный фильм, 15.30 "Звездный десант", Многосерийный мультипликационный фильм, 16.00 "Лига справедливости", Многосерийный мультипликационный фильм, 16.30 "Охотники за привидениями", Многосерийный мультипликационный фильм, 17.00 Комедия на СТС, "САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА", 17.30 "ЗАЧАРОВАННЫЕ", Многосерийный художественный фильм, 18.30 "КОМИССАР РЕКС", Многосерийный художественный фильм, 19.30 Комедия на СТС, "КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?", 20.00 Комедия на СТС, "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ", 20.30 История в деталях, 20.58 Настроение с Евгением Гришковцом, 21.00 "НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ", Многосерийный художественный фильм, 22.00 "ПЕРВОЕ ПРАВИЛО КОРОЛЕВЫ", Четырехсерийный художественный фильм, 1-я серия, 23.00 "ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ", Многосерийный художественный фильм, 0.00 Комедия на СТС, "МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ", 0.30 История в деталях, 0.58 Настроение с Евгением Гришковцом, 1.00 "ЧАСТИ ТЕЛА", Многосерийный художественный фильм, 2.00 "КОВАРСТВО ГОР", Многосерийный художественный фильм, 2.45 Кино на СТС, "АВТОФОКУС", 4.25 "ТАКСИСТ", Многосерийный художественный фильм, 2 серии, 5.50 Музыка на СТС.

НТВ

5.00 Информационный канал "СЕГОДНЯ УТРОМ", 7.10 Сериал "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ",

8.00 "КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК", 9.00 "СЕГОДНЯ", 9.20 "ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ", 10.05 "КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС", 10.55 "СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...", 12.00 "СЕГОДНЯ", 12.35 Сериал "МАРШ ТУРЕЦКОГО-2", 14.30 "ОБЗОР, ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ", 15.00 "СЕГОДНЯ", 15.25 Сериал "БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ", 17.35 "ОБЗОР, ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ", 18.40 ПРЕМЬЕРА Сериал "ОСТРОГ, ДЕЛО ФЕДОРА СЕЧЕНОВА", 19.50 ПРЕМЬЕРА Сериал "ВСЕ ВКЛЮЧЕНО-20:45 "ОБЗОР, ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ", 21:00 "СЕГОДНЯ", 21:40 ПРЕМЬЕРА Острозащитный сериал "КОНТОРА", 22:50 Сериал "СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ", США, 23:50 "ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ", Ток-шоу Татьяны Толстой и Адюты Смирновой, Владимир Войнович 0:45 Марк Дакаско в боевике "БАЗА", США-Канада/ 2:25 Сериал "ДАЛЬНОБОЙЩИКИ", 3:10 "БИЛЬЯРД", 3:55 Сериал "БАВИЛОН 5", США/ 4:35 "ОБЗОР, ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ",

DTV

7.30 Мультифильмы, 9.05 Самое смешное видео, 9.30 Фильм-расследование "Как ухидили кумира", "Михаил Евдокимов", 9.55 Музыкальная программа "Неслучайная музыка", 10.00 Телемагазин, 10.30 Автоновости "Карданный вал +", 10.50 Художественный фильм "ПУТЬ ДРАКОНА", 13.00 Самое смешное видео, 13.30 Приключенческий сериал "КОМАНДА «А»", 14.30 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР", 15.30 Мультифильмы, 15.45 Мультифильмы, 16.00 Мультифильмы, 16.30 Фильм-расследование "Как ухидили кумира", "Михаил Евдокимов", 17.00 Русский фильм, "ДЕТИ ДОН-КИХОТА", 18.50 Музыкальная программа "Неслучайная музыка", 19.00 Детективный сериал "КРУТОЙ УОКЕР", 20.00 Самое смешное видео, 20.30 Самое смешное видео, 20.55 Русский сериал, "ВИНТОВАЯ ЛЕСТНИЦА", 5-я серия, 22.00 Криминальный сериал "ОКРУГ КОЛУМБИЯ", 23.00 Художественный фильм "УБИТЬ ПРЕЗИДЕНТА", 1.00 Автоновости "Карданный вал +", 1.20 Агентство криминальных новостей, 1.40 Приключенческий сериал "КОМАНДА «А»", 2.30 Музыка на ДТВ.

Сешанба



O'ZBEKISTON

5.55 Курсатувлар дастури, 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон", 8.00-8.35 "Ахборот", 8.35 ТВ анос, 8.40 Олтин мерос, 8.50 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралигида", "Ба - ўмқода соз", 9.10 1. "Йил, Йил, Тоғ!" Телетомошба, 2. "Қунду ақилнинг ҳужрали", Мультифильм, 10.05 ТВ анос, 10.10 "Дилёр оралиги", Республика телекцион фестивали, Сидард вилояти, 10.55 Биржа ва банк хабарлари, 11.00 "Ахборот", 11.10 ТВ анос, 11.15 "Омон бўлинг!", 11.20 "Ишқ эртаги", Телесериал, 11.55 "Дил таронаси", 12.00 "Ахборот" (инглиз тилида), 12.10 ТВ анос, 12.15 "Қалқон", 12.30 "Қоралатқонюма", 12.50 "Такдир тўғриси", Телесериал, 13.00 Олтин мерос, 14.00 "Ахборот", 14.15 ТВ анос, 14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Қунду дастури, 15.20 "Завқат", 16.15 ТВ анос, 16.20 "Билдир ўзгангиз кунер", "Болалар сайёраси", 16.40 "Эртақлар - яшиллик етаклар", 17.00 "Ахборот", 17.10 ТВ анос, 17.15 Эски альбом, 17.20 "Зоман илмолари", 17.40 ТВ анос, 17.45 "Оҳанлар оғушида", 18.00 "Апр Оси...", 18.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан, "Умр дафтари", О. Шарофиддинов, 2-қисм, 18.40 "Пойтахт", Видеofilm, 1-қисм, 19.10 "Банк ва маво", 19.20 "Сизнинг адвокатингиз", 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар, 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анос, 20.05 "Омон бўлинг!", 20.10 "Ишқ эртаги", Телесериал, 21.00 "Ахборот", 21.35 ТВ анос, 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан, "Умр дафтари", "Умр дафтари", 22.00 "Такдир тўғриси", Телесериал, 22.05 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS, Овоз берчи), 23.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарё оралигида", 23.35-23.40 Тунги наволар.

YOSHLAR

- 16.50 Узбек наволари
- 17.00 "Судьбы" (повтор)
- 17.30 Узбек наволари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Узбек наволари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Серилал "Тронутые" 5-серия
- 20.15 Мировые хиты
- 21.00 Узбек наволари
- 22.00 Кино "Привидение"
- 00.15 Миксер

Шанба 12

- 12.00 TOTAL NEWS (узб.)
- 12.20 Узбек наволари
- 13.00 TOTAL NEWS (рус.)
- 13.20 Узбек наволари
- 13.30 ТОП-20 (повтор)
- 14.15 Мировые хиты
- 1

Кутубхоначининг меҳнат таътили неча кундан иборат?
Кутубхоначининг ойлик маоши лавозимига, иш стажига, кутубхона фондига боғлиқми ё йўқми?
М. ЮСУПОВ,
Янгиер академик лицейи кутубхона мудури

Академик лицей кутубхоначиларининг меҳнат таътили 24 кундан иборат.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг педагог, инженер-педагог ва ходимларига энг кам ойлик иш ҳақи миқдори нисбатан дифференциал ва фоиз ҳисобида қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган;

Академик лицейда меҳнат қилувчи кутубхона мудури олий маълумотли бўлса 7-разряд;

Ўрта маълумотли бўлса 6-разряд;

Маълумотсиз шахсларга 5-разряд ҳисобидан ойлик иш ҳақлари тўланади.

Кутубхоначи олий маълумотли бўлса 5-разряд;

Ўрта маълумотли бўлса 5 разряддан 5 фоиз кам миқдорда;

Маълумотсиз бўлса 4-разряд ҳисобидан ойлик иш ҳақи тайинланади. Академик лицей ва барча йўналишдаги касб-хунар коллежлари кутубхоначи ва бошқа ишчилари учун кутубхона фондида 3000 тагача ўқув адабиётлари бўлганда бир ойга энг кам иш ҳақи миқдорининг 10 фоиз, ҳар бир кўшилган 1500 китоб учун 5 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Жами ҳажми 30 фоиздан ошмаган ҳолда қўшимча ҳақ белгиланиши мумкин.

ХУКУҚИЙ САБОҚЛАР

Ходимни доимий ёки вақтинчалик бошқа ишга ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади?

З. МУҲИДДИНОВ,
Кизирик тумани

Меҳнат кодексининг 92-моддасига биноан ходимни бошқа доимий ишга ўтказишга, яъни ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга, унга бошқа мутахассислик, малака ва лавозимга оид ишни топширишга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилади.

Ходимни доимий бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади. Меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришларга мувофиқ ҳолда чиқарилган буйруқ тилхат орқали (имзо чектириб) ходимга маълум қилинади. Бошқа доимий ишга ўтказиш ҳақида ёзувлар меҳнат дафтарчасида қайд этилади.

Ҳозирги пайтда ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказиш амалиётда кўп қўлланилмоқда. МКнинг ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга ва ходимнинг розилиги билан вақтинча 94-95-моддаларга биноан бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддати тамом бўлгач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ходимнинг вақтинча бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги илтимоси узрли сабабларга кўра келиб чиққан ва бундай ишлар корхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноат-

лантирилиши зарур.

Соғлиғи ҳолатига кўра ёки ноқулай меҳнат шароити таъсиридан ҳоли бўлган бошқа ишга ўтказилган ҳолатларда ходимга дастлабки икки ҳафта муддат давомида аввалги ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш унинг муддати кўрсатилган ҳолда, иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Вақтинча бошқа ишга ўтказишлар меҳнат шартномасида акс эттирилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариш зарурияти, ёки бекор туриб қолиниши муносабати билан ходимни унинг розилигисиз ҳам вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилиши мумкин. Бошқа ишга ўтказишнинг чекланган муддатлари меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва ишлаб чиқариш заруриятлари ҳақидаги қоидалар корхонанинг локал ҳужжатларида, жамоа шартномаларида ёки ички меҳнат тартиб-қоидаларида белгилаб қўйилади ва касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик идоралари билан келишиб олинган ҳолда амалга оширилади.

1987 йилда касб касаллигига чалинган ходимга ишлаган корхонадан товон пули тўлаб келинган. 2006 йил феврал ойидан ушбу корхона хусусийлаштирилди. Эндиликда ушбу тўлов қаердан берилиши керак.

Ш.ДАДАЖОНОВА,
«Зомин босмаҳонаси» хусусий корхона ҳисобчиси

Ушбу саволга аниқ жавоб бериш учун корхонани хусусийлаштиришдаги олди-сотди келишуви қандай шартларга кўра амалга оширилганлиги аниқлик киритиш зарур.

Агар корхона сотуви юқори турувчи ташкилот томонидан амалга оширилган бўлса, товон пулини тўловчи ворис ўша ташкилот томонидан аниқлашиб берилиши керак. Башарти товон пулини тўловчи ворис аниқланмаган бўлса, бундай ҳолатда тўлов юқори турувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

Агар корхона (ҳўжалик суди қарорига асосан) касодга учраганлиги сабабли хусусийлаштирилган бўлса, унда бу тўлов ўша жойдаги тегишли ижтимоий таъминот бўлими томонидан (ижтимоий суғурта жамғармасидан) тўланади.

Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади.

(Меҳнат Кодексининг 8-моддаси)

Самарқанд давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битириб, 40 йил давомида мактабда ўқитувчилик қилдим. 2006 йил апрел ойидан бизга нафақадаги ўқитувчиларга тўланадиган компенсация пули берилмапти. Шу тўғрисида?

Й. АСАДОВ,
Нурота тумани

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати ва унинг устидан шикоят қилиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

Х. ШАМСИЕВ,
Нарпай тумани

Аттестация натижаларига кўра ходимларни ишдан бўшатиш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

В. РАҲМОНОВ,
Чуст тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 13 апрелдаги Фармонида биноан, 2005 йил 1 майдан бошлаб педагог ходимлардан уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ойлик компенсация пул тўловлари қуйидаги шахсларга иш ҳақида қўшиб берилган:

- педагогик маълумотга эга ўқитувчилар, тарбиячилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистлар, мактабдан ташқари таълим муассасалари концертмейстрлари, тренер стажига эга тренер-ўқитувчилар;

- педагогик маълумотга эга тарбиячилар, барча турдаги умумий таълим мактаблари концертмейстрлари;

- педагогик маълумотга эга «Меҳрибонлик уйи» психологлари, тарбиячилари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари;

- педагогик маълумотга эга тарбиячилар, ўқитувчилар, мактабгача таълим муассасалари ва мактаб, болалар боғчаси психологлари;

- педагогик маълумотга эга ўрта махсус таълим муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

- педагогик маълумотга эга бўлган барча турдаги мактаб ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

- профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлар, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлар, филиалларнинг директорлари ҳамда ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, олий ўқув юрти ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерлари;

- юқорида қайд этиб ўтилган тоифадаги шахслар ҳамда 10 йиллик педагогик стажига эга бўлган пенсионерларга компенсация пули ойлик пенсияларига қўшиб берилди. Сиз дипломингиз бўйича берилган ихтисослик ҳақида маълумот бермагансиз. Ўқитувчилик стажидан қатъий назар, ҳужжат бўйича ихтисослиги фақат ўқитувчи бўлган шахсларга компенсация олиш ҳуқуқига эга.

МКнинг 183-моддасига асосан ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазонинг амал қилиш муддати 1 йилдан ошиб кетмаслиги керак. Агар ана шу бир йиллик муддат ичида ходимга нисбатан яна бошқа интизомий жазо чораси қўлланилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади. Интизомий жазо чорасини қўллаган иш берувчи ўз ташаббусига кўра ходимнинг илтимосига, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевоқиф раҳбари (бошқарма бошлиғи, бўлим бошлиғи) илтимосига, ходим меҳнат қилаётган корхона, муассаса, ташкилотнинг касба уюшма раисларининг ёзма тавсияларига кўра бир йиллик муддат ўтмасдан олдин ҳам жазо чорасини оғиб ташлаши мумкин.

Ҳар бир ташкилотда меҳнат низолари комиссияси тузилган бўлиши керак. МКнинг 184-моддасига мувофиқ ходим — яқка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда қўлланилган интизомий жазо чораси устидан ушбу комиссияга шикоят қилиши мумкин. Меҳнат низо-сини кўриб чиқувчи орган ходимнинг ҳулқ-атворини, унинг меҳнатга бўлган муносабатини, содир этилган тартибузарликнинг қай ҳолатда юз берганлигини, иш берувчи томонидан интизомий жазо чорасини қўллаш тартибига қанчалик риоя этилганлигини ҳисобга олиб, қўлланилган интизомий жазони кўриб чиқиши мумкин.

Саволларга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Й.Аҳмедов, Ўзбекистон КУФКнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бош мутахассиси Г.Ғафқоров, Алоқа ходимлари касба уюшма Марказий кенгаши ҳуқуқшуноси А.Аҳмедов, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшма кенгаши ҳуқуқшуноси А.Эшонқуловлар жавоб беришди.

Ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли бажарётган ишига нолойиқ деб топилиши муносабати билан, яъни Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 2-бандига асосан; иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилади. Бошқача қилиб айтганда, аттестация натижаларига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш ушбу аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширилади. Меҳнат шартномаси аттестация ўтказилган кундан кейин бир ой муддат ичида бекор қилиниши мумкин.

Айтиш жоизки, аттестация ўтказиш тўғрисидаги Низом иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи, яъни касба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал иш берувчи зиммасига бир қатор ташкилий чора-тадбирларни бажариш вазифаси юклатилган. Жумладан, ходимга бошқа иш таклиф қилинади. Ушбу мажбурият Меҳнат Кодексининг 92-моддасида назарда тутилган.

Бундан ташқари, жамоа шартномасида белгиланган тақдирда, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касба уюшма кўмитасининг розилигини олиши керак бўлади. МКнинг 102-моддаси 2-бандига мувофиқ иш берувчи меҳнат шартномасини аттестация натижасига кўра бекор қилиш нияти тўғрисида ходимни камида икки ҳафта олдин ёзма равишда огоҳлантириши керак. Шунингдек, ушбу муддаога асосан ходим билан иш берувчининг ўзаро келишувига биноан огоҳлантириш муддатини пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилади.

109-моддага мувофиқ, мазкур ҳолатда иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганлиги сабабли ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

МКнинг 107-моддаси талабига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилиш ходимларни ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар томонидан амалга оширилади ҳамда тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади.

Аттестация ўтказиш натижаларига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан келиб чиқадиган меҳнат низолари фуқаролик ишлари бўйича суд идораларида кўриб чиқилади.

✓ Сиз кутган учрашув

Шароф Бошбеков билан суҳбатлашган одам маза қилади. Ҳатто, қаршингизда таниқли драматург, Республика Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ўтирганини ҳам унутиб қўясиз.

У Маннон Уйғур номидаги Давлат Санъат институтининг «Муסיқали драма актёри» факультетини тугатган. Мохир режиссёр ва педагог Абдурашид Раҳимов курсида тахсил олди. Талабалик пайтлариданок Муқимий номидаги Ўзбек Давлат муסיқий театрида катта-кичик роллар ижро этган, ариялар айтган. Суҳбатимиз ижодкор ҳаётининг айнан шу саҳифаларидан бошланади.

— Шароф, бир йўла ашулачи бўлиб кетмаган экансиз-да? — ҳазиллашиб сўраймиз ундан.

— Бўларди-му... — юз-кўзларига табассум югуради унинг, — мендан Маъмуржон Узоқов чиқмаслигини сезгач, йиғиштириб қўйганман.

— Актёрликдан ҳам кечиб юбордингиз?

— Бир неча йил давомида Муқимий номидаги, кейин Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрларида актёр бўлиб ишладим. Ўша вақтларда Муқимий театрида машҳур санъаткор Раззоқ Ҳамроев бадий раҳбар эдилар. Бу театр гуриллаб турган йиллар эди. «Нурхон» спектаклида Мамат ролини ўйнадим. «Она» м ролини улуг актриса Лутфихоним ая Саримсоқова ижро этардилар. «Ўжарлар» да ўйнадим. «Қонли тўй» да, «Момо ер» спектакларида қатнашдим. Сойиб Хўжаев, Ҳамза Умаров, Рауф Болтаев, Машраб Юнусов сингари машҳур санъаткорлар ҳали ҳаёт эдилар. Улар билан бирга саҳнага чиққанимни эсласам, ҳали-ҳали ишонгим келмайди.

Гулистон театрида бир неча асарларда, жумладан Машраб Бобоевнинг «Ўттиз ёшлар» асарида бош ролни ижро этдим. Шу-шу Машраб ака билан яқин бўлиб қолдим.


— Кейин актёрликни ташлаб, нега драматургияга уриб кетдингиз?

— Билмадим, — дейди суҳбатдошимиз ўйчан товушда. — Мен драматургияда ўзимни топдимми, ё драматургия мени танладими, аниқ айтишим қийин. Барибир, менинг бу жанрга ошно бўлишимда Машраб аканинг хизмати катта бўлган. Биринчи ёзган асаримни устоз бўлмабди, деб отиб юборган. Бир нарсани яна очик айтишим керак. Ўтган йиллар давомида бемаза пьесаларни шунақа кўп ўқидим, бемаъни спектаклларни шунақа кўп кўрдим-ки, эсласам кўнглим озиб кетади. Шулар сабаб бўлдимки, «нега энди ўзим ёзиб кўришим мумкин эмас», деган ўжар бир савол туғилди. Яна дег, ўзим пьеса ёзиб, ўзим саҳналаштириб, ролларни ўзим ижро этишни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ҳар қалай, илк машқларим сабаб, раҳматли Машраб Бобоевдан еган «калтак»ларимнинг оғриги ҳали ҳануз кетгани йўқ. «Бор-е» деб ёзишни умуман йиғиштирмакчи ҳам бўлдим. Тўғри, кўпчилик пьесаларимнинг саҳна юзини кўриши жуда қийин кечди. «Тикансиз типратиконлар», «Шуансиз урган тулпорлар» асарларим атрофида тоза шов-шув кўтарилди. Ҳали шўро даври эди. «Бу асар бизнинг мафкурамизга тўғри келмайди», деб айюханнос кўтарганлар ҳам бўлган. Ҳақиқат қарор топди. Ўша асарларим ўнлаб театрларда қўйилди, «Современная драматургия» сингари нуфузли

журналларда нашр этилди.

— «Темир хотин» асарингизнинг ёзилишига нима туртки бўлганди?

— 1988 йил эди, шекилли... Сатира театри олдида бир



неча актёрлар билан гурунглашиб тургандик. Кимдир роботлар ҳақида латифа айтди. Мен «ўша Робот Роботойга уйланиб гўшангага кирибди», деб бошқа латифа тўқиб ташладим. Роса кулишдик. Шунда актёрлардан бири «Шароф, шунақа бир комедия ёзсангизчи» деб қолди. Ўшанда бу гапга унчалик эътибор бермаган эдим. Кейин ўйлаб қарасам, тагида анча жон борга ўхшайди. Очиғи, уни унча менсимайроқ ёзгандим. «Темир хотин» бунақа машҳур бўлиб кетишини ҳаёлимгаям келтирмагандим. Омадди асар экан. Жуда кўп мукофотларга сазовор бўлди. Кавказдан тортиб, буёғи Қирғизистону Тожикистонгача қўйилди. Пьеса асосида бадий фильм ҳам суратга олинди. Мен бу спектакл ва фильмнинг дунёга келишида жонбозлик кўрсатган барча санъаткорлардан миннатдорман.

— Устозларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Юқоридан айтиб ўтдим. Илк сабоқларни марҳум драматург Машраб Бобоевдан олганман. У киши менга «ўзбекча» ёзишни ўргатганди. Пьесаларимни ўқиб, баъзан «ўзбеклар бунақа фикрламайди, бунақа инграмайди», деб ўргатганди.

Бундан ташқари, мен бемаза, ўзимга ёқмаган асарларни кўпроқ ўқийман...

— Қизиқ? Нега?

— Шунақа, хом-хатала, бўш асарларни ўқиб қандай қилиб ёмон асар ёзмаслик кераклигини ўрганаман, — жилмаяди Шароф.

Кулишамиз.

— Умуман, истеъдод масаласида фикрингиз.

— Менимча, истеъдод меъёрни билиши керак. Агар юморни сал ошириб юборсангиз, асар бачкана бўлиб кета-

ди. Жиддийлашиб кетсангиз, зерикарли туюлади. Демак, ҳаммасидан озгина-озгина, меъёрда, усталик билан фойдалана билиш керак. Шунинг учун олган кишигина истеъдод саналади.

— Кейинги йилларда театрларимизда «касса-боп», «енгил-елпи асарлар кўпайиб кетгандек туюлмайдими сизга?»

— Домлам Абдурашид Раҳимов: «Сенинг айтаётган гапларинг академикка ҳам, тракторчига ҳам тушунарли, қизикарли бўлсин», дердилар.

Драматург бўлгач, асарларим шундай бўлиши керак, деган қарорга келдим. Энди, томошабинларни арзон кулги билан хушнуд қиламан, деб, ўзи кулги бўлиб қолиши яхши эмас. «Томошабин ёғилиб келаркан», «кассада чиптага навбат бўлиб кетаркан», деб енгил-елпи спектакллар комедия жанри «ниқоб»и остида саҳналаштирилишини ҳазм қилолмайман. Афсуски, ҳозир шунақа асарларнинг куни туғиб қолди. Ҳар қандай кулгининг замирида жиддий муаммолар бўлиши кераклигини унутиб қўймоқдамиз.

— Режиссёрликка ҳам қўл уриб кўрдингиз, деб эшитгандик?

— Бир вақтлар ўзим ёзиб, ўзим саҳналаштиришни орзу қилардим. Режиссёрликка даъвойим йўғ-у, лекин соз ишлайдиган уста лоақал битта куйни чала олиши керак. Бу соҳага қўл ургач, кўп нарсаларни тушунаркансан. Мен бунини ўзимнинг «Тушов узган тулпорлар» асарим асосида олинган фильмга режиссёрлик қилган кезларим чўқуроқ ҳис қилдим.

— Пьесаларингиз асосида бадий фильмлар ишлянишига қандай қарайсиз?

— Жуда яхши қарайман, — жилмаяди адиб. — Аммо пьеса спектакл бўлиб қўйилиши учун, сценарий эса фильм ишляниши учун ёзилишини унутиб қўймаслик керак.

Биласизлар, «Темир хотин» фильм бўлди. Халқ яхши қабул қилди. «Тақдир эшиги» асосида фильм суратга олинди. «Чархпалак» телесериали-

нинг сценарийсини ҳам ўзим ёздим. Бундан ташқари, менинг сценарийларим асосида «Юзсиз», «Масхарабоз», «Шариф — Маъруф», «Тилла бола», «Дока рўмолнинг қуриши» номли фильмлар олинди. Қай бири қанақа чиқди, бунга томошабинлар ўз баҳоларини бериб бўлдилар.

бий. Ҳар бир ўйналган рол ҳам образ даражасига кўтарилавермайди...

— Одамларнинг эсида қоладиган асарлар, ёзувчиларнинг ижодида, одамлар хотирасига муҳрланиб қоладиган роллар, актёрлар ҳаётида камдан-кам бўлади. Аббор Ҳидоятнинг Отеллоси, Шукур Бурхонов-

«Театрни соғиниб яшайман...»

ДРАМАТУРГ ШАРОФ БОШБЕКОВ ИЖОДХОНАСИДА

— Бугунги театр санъати ҳақида қандай фикрдасиз?

— Театрларимиз «нафас олиб турибди». Лекин бу аҳволи яхши деган гап эмас. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида ҳаёт шуни кўрсатдики, катта театрлар четга, кичик театр-студиялар эса биринчи планга чиқиб қолди. Балки бу замон тақозосидир? Ҳар ҳолда, театр-студияларни вазиятга тез мослашгани, уларнинг чаққонлиги ва қулай йўлларни топа олгани сир эмас. Катта театрларнинг эса «юки» оғир бўлади.

Баъзан ўйлаб қоламан. Театрда 70 нафар актёрни ушлаб туришнинг нима кераги бор? Айрим актёрлар учун рол йўқ, аммо маош кетаверади. Назаримда, Европа мамлакатларига ўхшаб керакли актёрлар билан шартномалар тузиб ишлаш керакка ўхшайди. Яхши актёр ҳам, ёмон актёр ҳам бир хил маош олмаслиги керак. «Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди», деганларидек, яна бир гап эсимга тушиб қолди. Негадир охириги йилларда нашриётларимизда пьесалар тўплами нашр этилмапти. Уларни ҳеч ким ўқимайди, деб ҳисоблашадими, билмадим? Вилоят ва бошқа театрларда эса янги асарларга талабгорлар кўп-ку, ахир! Аксарият ҳолларда топширилган пьесалар театрларда йўқолиб кетмоқда.

— Сир бўлмаса, сиз қай пайтларда ишлайсиз?

Шароф Бошбеков кулиб юборади.

— Асосан, ўтириб ишлайман, — дейди хушчақчақ оҳангда. — Кундузи ишлолмайман. Фақат тунда ёзаман. Хонадаги стол чирогининг ёруғи фақат ёзув машинкасига, ундаги оқ қоғозга тушиб туради. Назаримда у худди театр саҳнасига, кино экранга ўхшаб кетади. Бунда қандайдир қонуният бўлса керакда? Шунинг учунми, ёзган нарсаларимнинг аксарияти ё кино тилига кўчирилади, ё театрда қўйилади.

— Ҳозир қандай асар устида ишляяпсиз?

— Яқинда янги асарим тугатдим. Назаримда трагикомедия бўлиши керак. Бунда мен халқимизнинг дарди, кўнглидаги гапларини айтгим келди. Ҳозирча тахминий номи «Ер барибир айланаверади». Режиссёр Валижон Умаров билан Миллий театрда саҳналаштириш ниятида-миз. Умуман, театрни соғиниб яшайман!

— Ҳар бир ёзилган асар «зўр» чиқавермаслиги та-

нинг Шоҳ Эдипи, Фани Аъзамовнинг Уста Мўмини, Зайнаб Садриеванинг Фармонбиси, Сойиб Хўжаевнинг Тошболтаси, Обид Юнусовнинг Ўтқурийиси каби... Бунақа актёрлар ҳам, роллар ҳам кам.

Шунинг учун, баъзан телевизорга чиққан ёш ижодкорларнинг «Мен 20 — 30 та образ яратдим» деган гапларини эшитиб энсам қотади. Эҳ, қанийди биттагина образ ярата олсам эди, деб бақириб юборгим келади.

Ўз ижодимга келсак. Қай бири яхши деганда, асарларим олдида хижолат бўламан. Худди қайси фарзандингизни кўпроқ яхши кўрасиз дегандек! Тўғриси, биринчи асарим бўлгани учунми, «Тақдир эшиги»ни соғиниб эслайман. У жуда тоза, самимий, табиий чиққанди.

— Оилангиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— Битта хотиним, учта қизим бор. Қизларимни узатдим. Еттита неварали бўлдик. Бобо бўлиш насиб этганига шукур. Бир пайтлар, Тошкентда Осий — Африка мамлакатлари кинофестивали бўларди. Ўшанда қатнашиб, тил билмаганимга жуда хафа бўлгандим. Шундан кейин бир қизимни инглиз тилига, иккинчисини турк тилига, учинчисини корейс тили бўйича ўқитдим...

Шароф Бошбеков билан ҳовли айланамиз. Каттагина боғ-ҳовли. Катта-кичик дарахтлар, сўриларга тирмашган узумлар.

— Биласизлар, сал соғлиқ панд бериб турибди, — дейди Шароф боғ тарафга ўйчан тикилганча. — Бўлмаса-ку, «Ботаника боғи»нинг филиалига айлантириб ташлардим...

— Ҳозир ҳам ёмонмас, — деймиз атрофга кўз югуртиб.

— Ҳа, ҳа, — бирдан жонланади Шароф ва шоша-пиша боғ тарафни кўрсатади. — Анави анжир, ёнидагиси гилос, тоғолча, чап тарафдагиси олма... Шу йил кўкламда ўзим эдим. Хув анави олхўри. Бу йил нишона қилди. Анавиниси беҳи...

Адибнинг ёришиб кетган чехрасига, шоша-пиша гапиршига, боғини кўрсатаётганига қараганча турарканмиз, шу тобда Шароф Бошбеков «Манави драма... Буниси комедия... Ана унис янги сценарий. Яқинда ёзиб тугатдим» деяётгандек туюлди бизга...

Суҳбатдошлар:
Раҳимжон ОРИПОВ,
Эркин УСМОНОВ

					Газ кони						
Немис футболчиси	Киши адади	Олмос ўлчо-ви	Би-ҳишт	Дунё томо-ни	Гул шира-си						
			То-мон								
Сув гули	Европа дав-лати	Маъ-лум		Се-роб	Ички туйғу						
Ахборот қурил-маси				Аёл исми	Либос						
		Билим бойлигига тўймайди одам, Камаймас бошқага қанча берса ҳам. Оламда билимдир ганжи бебаҳо, Ким билим эгаси-ўша подишо. Асади Тусий									
Ютуқ ҳисо-би	Сув йули				Қуш	Уя					
Навоий ғазали (ашула)					Адабий жанр			Хузур			
Аиний қисса-си						Сунъ-ий уйқу	Ранг	Калит			
		Фикр ифо-даси	Музей (Рос-сия)		Француз футбол-чиси						
Чарм	Йирик пода				Майда орга-низм						
Рус рас-соми	Нақ ўзи	Халқ		Санъат йўна-лиши							
Гул			Чорва ози-қаси								
		Физик зарра	Яқин Шарқ юрти	Чизма-чилик асбоби	...ҳол						
Би-но-кор	Хона			Таом	Ҳафта куни	Мусти-қий овоз					
			Донли экин	Гали-лей ватани	Зид	Сай-ёра	Дар-мон-дори				
Иш тар-зи	Наво-ий асар	Жуфт рақам	Қон томи-ри								
	Си-рар			Кавказ дарё-си							
Ви-лоят	Укра-ин адаби	Бан-ди		Товуш	Европа-даги пойтахт						
				Юз йил							
				Тут-қич	Ма-қом						

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

«KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2006 йил 10, 17, 24 август кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига такроран куйидаги автотранспорт воситалари кўйилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бош-қармасининг автохўжалиги балансидаги:

1.ГАЗ-3102 русумли, давлат рақами 10 РР 253, 1994 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 1 836 680 сўм.

«Тошкент халқаро аэропорти ДУК балансидаги:

2.«Дамас» русумли, давлат рақами 10 АХ 414, 1993 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.

3.«Дамас» русумли, давлат рақами 10 АУ 189, 1993 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм.

4.«Дамас» русумли, давлат рақами 10 АО 887, 2000 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.

5.РАФ-2203802 русумли, давлат рақами 10 АУ 229, 1993 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 1 500 000 сўм.

6.ГАЗ-2402 русумли, давлат рақами 10 АР 402, 1983 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 600 000 сўм.

Ўзбекистон ҳаво йўллари МАК ХЙБА балансидаги:

7.ВАЗ-21061 русумли, давлат рақамисиз, 1996 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.

8.«Дамас» русумли, давлат рақамисиз, 1997 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий аппара-ти балансидаги:

9.Супер Салон русумли давлат рақами 10 УЗ 749, 1996 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.

«Ўзбектўқимаш» ИЧБ тугатиш бошқаруви балансидаги:

10.ЗИЛ-431416 русумли, давлат рақами 10 АР 836, 1988 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 1 598 100 сўм.

11.МАЗ-9397 русумли ярим тиркама, давлат рақами 10 С 529, 1985 йилда ишлаб чиқарилган,

бошланғич баҳоси — 1 299 800 сўм.

Аукцион савдолари буюича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланиши-дан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида катнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди зақалат пули тўлаши шарт.

Зақалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбе-кистон Республикаси Миллий банкининг Тошкент шаҳар, С.Ра-ҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

Кўшимча маълумотлар учун «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилми: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ураз-боев кўчаси, 1-«А»-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун телефон: 399-80-23-Факс.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Инглиз тили жаҳондаги энг кўп қўлланиладиган тиллардан ҳисобланади. Ҳозирда 337 миллиондан ортиқ киши инглиз тилидан биринчи тил сифатида фойдаланса, 350 миллиондан ортиқ одам бу тилни ўзининг иккинчи тили деб билади.

Майда камбағаллашган зодагон (испан дворяни) Дон Кихот Ламанческий испаниялик ёзувчи Мигель Сервантес романи-нинг жасур ва содда қаҳрамонидир. Жарангдор тахаллусни у ўзига ўзи рицарлар романларини ўқиб чиқиб, саргузаштлар кетидан куваётиб, тўқиб чиқарган. Ҳамгин рицарнинг ҳақиқий исми эса — Алонса Кихандир.

«Мен ҳеч туш кўрмайман» деб айтади баъзилар. Бироқ улар улар билмаган ҳолда ёлгон гапирдилар. Тадқиқотларга кўра, туш кўрмайдиган инсоннинг ўзи йўқ. Туш кўрганларнинг бир қисми тушларини ёдига сақлай олмайди.

ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

Маълумки, илдизлар ўсимликларни ушлаб турувчи, ҳаёти учун энг зарур восита ҳисобланади. Чунки ўсимликлар илдизлар ор-қали озикланадилар, яшайдилар.

Илдизлар ўсимликларнинг тури ва яшаш шароитига кўра тур-ли хил бўлади. Баъзи илдизларнинг оғирлиги граммлар билан ўлчанса, айримлари килограммлар билан тортилади.

Республикамизда ҳам ана шундай ажойиб илдизли ўсимлик-лар кўп. Улар ичида илдизининг оғирлиги 8-10 килограммгача бўлган қатрон, 10-16, баъзида 20 килограммгача ҳам келадиган султамалар бор.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман «ВАРОҚ» МЧЖ фир-маси 02.08.2006 йилдан ўз фаолиятини тугатганлиги-ни маълум қилади. Даъволар бир ой мuddат ичида Бодомзор кўчаси 70-уйда қабул қилинади.

ВОКЗАЛ НИМА ДЕГАНИ?

Айрим тарихий манбаларга кўра «вокзал» сўзининг келиб чиқиш тарихи шундай. 1700 йили англиялик катта ер эгаси Ионнихоним Вокс Лондон шаҳри яқинига бог ва қошона зал курдирди.

Кечкурунлари боёнлар ва хонимлар келиб бу ерда сайр қилишар, концерт ва томошалар кўрсатишарди. Ана шу сайргоҳни одамлар Воксхолл («холл»-зал, яъни Воксининг зали де-макдир) деб атайдиган бўлишди.

XVIII асрнинг охирига келиб бу сўз «вокзал» тарзида поляк ва рус тилларига кирди.

Россияда биринчи марта Павлов паркидаги концерт бериладиган бино, темир йўл қурил-ганидан кейин эса станциядаги бино ҳам «вок-зал» («с» ҳарфи «з»га айлантирилган) деб ки-ритилди.

Шу-шу станция ҳамда аэропортлардаги (аэровокзал) бино «вокзал» деб аталадиган бўлди.

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР-ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти



- ★ Россия Федерациясининг барча турдаги "УАЗ" автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, кредит асосида сотишини маълум қилади.
- ★ Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
- ★ Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
- ★ Уларнинг сифати тўла қафолатланади.



Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 117-46-10; 76-33-51 Факс: (8-3712) 76-77-20

✓ Қариси бор уйнинг фариштаси бор

Яккабоғлик 80 ёшли Дамин отани Нуронийлар чойхонасида падари бузруквори Бекмурод бобо Шомуродов ҳақида тўлқинланиб гапириб тургани устидан чиқдик (юқоридаги сурат).

— Ёшим бир жойга бориб қолган бўлса-да, отамни ҳар куни кўрмасам кўнглим жойига тушмайди. Ростки, икки асрга гувоҳ бўлган отам оиламиз устунки. Бу нафақат оила аъзоларимиз, қолаверса, қишлоғимизда истиқомат қилаётган ҳар бир кишини фахрлантиради.

Бундан бир аср муқаддам Яккабоғнинг Чуброн қишлоғида оддий дехқон оиласида таваллуд топган Бекмурод бобонинг 12 нафар фарзанди бўлиб, уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўринларини топишган.



ПИРИ БАДАВЛАТЛАРИМИЗ

100 дан ортиқ неварачевара курсовида бахтиёр яшаётган отахон ҳаёт сўқмоқларидан осонликча ўтмади. Қанча оғир сиру синоатларни бошидан кечирган табарук инсон бугун эъзозда.

Отахон ёшлигида иқтисодчи,

мураббий бўлиб ишлади. Фарзандлари ҳам оқил, доно кишилар бўлиб етишишлари учун елиб-югурди. 60 ёшли қизлари Саида момо зиёли. Узоқ йиллар мактабда болаларга сабоқ берган. Яккабоғда ана шундай пиру-ба-

давлат отахонлар талайгина. Шулардан бири 75 ёшни қаршилаган Хусан ота Узоқовдир. 9 нафар фарзанд, 30 дан ортиқ неварачеваранинг суоқли бобоси бўлган отахон умр йўлдоши Иқбол момо билан бахтиёр ҳаёт кечиришмоқда.

Эски Яккабоғ кўрғончасининг Чинорли қишлоғида таваллуд топган отахоннинг Илхомжон, Баҳром, Олим, Тўра, Рустам, Фаррух исмли норғул ўғиллари турли жабҳаларда самарали меҳнат қилмоқда. Қизлари Раъно, Барно, Ҳилолалар эса фарзандлар тарбияси билан банд. Яқинда отахон ҳонадонидан ўтказилган тадбирга узоқ-яқинлар ташриф буюришди. Бир пиёла чой баҳона тўпланишиб, оилага тинчлик, юртга барака тиллашди.

Фуқаролар йиғини раиси Умар Назаровнинг таъкидлашича, бу ерда яшайдиган 18 минг нафар аҳоли ана шундай пиру-бадавлат кексалар билан фахрланишади. Уларнинг дуосини олишга шошилади.

Шавкат СУЛТОНОВ,
журналист
Суратларда: тадбирдан лавҳалар



КҮЙ. Душанба куни

бажарган ишингиздан озроқ фойда кўрасиз. Ношукур бўлманг. Ҳафтанинг ўртасида эскиб қолган муаммоларингиз ўз ечимини топади. Бунда яқинларингиз маслаҳати асқотади. Дам олиш кунлари иш фаолиятингизни тўхтатманг. Акс ҳолда моддий қийинчиликларга дуч келасиз.

БУЗОК. Ҳафта бошида

ҳеч қандай тадбирга аралашманг. Ўзингизга муаммолар орттирасиз. Пайшанба куни кутилмаганда моддий манфаатдорлик кўрасиз. Ҳафтанинг охирида ишингизда ўзгаришлар юз бериши кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР. Ушбу

ҳафта жисмоний ҳамда ақлий салохиятингизни ишга солсангиз, обрўйингиз яна ҳам ортади. Шартнома ва учрашувларни қолдиринг. Уни келгуси ҳафтага режалаштиринг. Дам олиш кунлари оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

Мунажжим башорати

(7 августдан 14 августгача)

КИСКИЧБАҚА. Душанба куни

нохуш хабар эшитасиз. Ишда бетгачопар бўлманг, панд бериб кўйишингиз мумкин. Ўзингизни тутта билинг. Дам олиш кунни сиз кутган давлар бўлади. Ақлий меҳнатдагилар фойдали шартномалар тузади. Кармонингиз тўлади.

АРСЛОН. Ҳафта давомида

ҳеч қандай хатоликка йўл қўйманг. Дангасалик ва эътиборсизлик сизнинг обрўйингизга путур етказиши мумкин. Ўз устингизда ишланг. Дам олиш кунни барча ҳаракатларингиз самара бера бошлайди. Шу руҳда давом этинг.

ПАЗИЗОД. Янги ҳафтада

иш билан боғлиқ сафарларни қолдиринг. Бундан зарар кўришингиз мумкин. Кундалик ишларингиз билан машғул бўлинг. Яқинда кунни сиз учун ташвишли келади. Ажабланманг. Соғлигингиз ҳақида қайғуринг.

ТАРОЗИ. Душанба куни

ҳар қандай иш бошлашингиз мумкин. Унинг учун яқинларингиз кўмагига таянинг. Пайшанбада сарфлаган сармомангиздан даромад кўрасиз. Шунга қарамай, моддий қийинчиликларни бошдан ўтказасиз. Дам олиш кунни саломатлигингизни тикланг.

ЧАЁН. Ушбу ҳафта

барча ишда омадингиз чопади. Фақат рақибларингиз сиз ҳақингизда катталарга нотўғри баҳо беради. Сиз бунга эътибор берманг. Яқинда мўмай даромад қиласиз. Бироқ номаъқул хаёлларга берилманг.

ЎКОТАР. Ниҳоят,

ачадан бери бажариб келган ишингиздан қониқиб ҳосил қиласиз. Энди бошқа ишга қўл урсангиз ҳам бўлади. Бизнесдаги ишлар бундан мустасно. Ҳафтанинг ўртасида олган даромадингиздан ҳамқорингиз хиссасини ҳам унутманг. Адолатли бўлинг. Дам олиш кунни оилангиз билан табиат қўйнида ҳордиқ чиқаринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Ушбу

КОВФА. Ҳафта аввалида

эрталабдан кунингиз тортишувлар билан бошланади. Шундай бўлишига қарамай, асабингизни эҳтиёт қилинг. Қийинчиликлар келиб чиқмаслиги учун олдингиздаги муаммоларни бартараф қилинг. Ҳафта охирида биродарларингиз даврасида бўлинг.

БАЛИК. Бетоб бўлиб

ётган яқинларингиз ҳолидан мунтазам хабар олиб туринг. Чунки бу масъулиятни зиммангизга олгансиз. Пайшанбани омадди кун бўлишига умид қилманг. Кўпроқ тоза ҳаводан баҳра олинг. Дам олиш кунни сафар ва учрашувларни режалаштиришингиз мумкин.

Ishonch

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компютерда терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми
2 босма табоқ.

Бизга кўнгирак қилинг:

Котибият
153-52-78;
Хатлар бўлими
153-85-43;
Юридик бўлими
153-87-73
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Тахририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (b) белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ф.Юсупов
Навбатчи - Ю.Очилдиев
Мусахҳих - Д.Камолов

Саҳифаловчи-дизайнер:
Н.Назаров ва Ю.Михайловский
Буғуртма Г— 1014 **Тиражи: 7556**
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топшириш вақти - 20.00
Сотувида эркин нархда 1 2 3 5 6 7 8

✓ Талабалик ҳангомаси

1980 йили Тошкент халқ ҳўжалиги институти-нинг Андижон филиалида учинчи курсда ўқирдим. Фалсафа фанидан Абдуалимова деган гоятда каттиққўл ва талабчан ўқитувчимиз бўларди. Бир куни қандайдир сабабга кўра дарсига киролмай қолдим. Кейинги парага кирсам, ҳамма курсдошларим китобга тикилганча жим ўтиришибди. Ёнимдаги шеригимдан нима гаплигини сўрадим. Ўтган дарсда «Маймунни инсонга айланишида меҳнатнинг роли» мавзусида топшириқ берилганини айтди.

ҚЎЛИМДА ТОШ ЙЎҚ...

Курсдошим айтганидек, ўқитувчимиз ўша мавзу бўйича аудиториядан сўрашни бошлади. Аксига олиб ҳеч ким «Мен тайёрланиб келдим» демади.

Талабалардан жавоб бўлмагач, ўқитувчимиз бизни бирма-бир чақириб, семинар ишни сўрашга тушди. Биронта талаба жўяли жавоб бера олмади. Шунга кўра, ҳаммага икки баҳо кўярди.

Навбат каминага етиб келди. Мен эса жим туришни ўзимга эп кўрмадим. Қачонлардир илмий журналлардан бирида ўқигандим. Қўл бериб сўрашининг тарихи тўғрисидаги маълумот эсимга тушиб, жавоб беришни бошладим.

— Маймунни инсонга айланишида меҳнатнинг роли жуда катта. Дарахтлардан ерга тушиб келган маймунда, дастлаб оддий таёқ ва тошлардан фойдаланишган. «Фан ва турмуш» журналида ёзишча, инсонларнинг қўл бериб кўришиши ибтидий жамоа тузумидан одат тусига кирган бўлиб, «Мени қўлимда тош йўқ, сенда-чи?» деган маънони англатар экан, — дедим.

Жавобимдан курсдошларим гурра кулиб юборишди. Кимдир ҳазил аралаш «Ҳозир қўлингизда пул борми деб, сўрашади» деган эди аудиторияни яна кулгу босди. Устозимнинг юзига ҳам табассум югурди ва «ўтиринг уч» деб, баҳолади, сўнгра янги дарс бошлади.

Шу-шу, курсдошларим ўртасида «қўлимда тош йўқ, сенда-чи?» деб сўрашиш одат бўлиб қолди.

Ўқув йили якунида ушбу фандан имтиҳон бўлди. Ўша куни ҳамма қатори ҳаяжонланиб хонага кирдим. Билетлардан бирини тортсам, не кўз билан кўрайки, биринчи савол «Маймунни инсонга айланишида меҳнатнинг роли» эди.

Саволни ўқишим билан устознинг юзига табассум югурди ва «Қўлингизда тош йўқми, боравер баҳонинг тўрт», деса бўладими.

Ўша-ўша газета ва журналларда берилган турли кичик хабарларни ўқиб бораман. Ҳали-ҳануз курсдошларим билан кўришганимда ҳазиллашиб «қўлингизда тош йўқми» дея сўрашамиз.

Абдувоҳид ҚОДИРОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси
Бувайда туман кенгаши раиси